

Ёлгончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлгончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

Абу Райҳон Беруний

Ўқув-семинар

муҳим омили сифатида қаралиши лозим. Шу нуқтаи назардан, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонликни ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Семинар давомида иштирокчилар амалий мисоллар асосида фикр алмашиб, соҳада учраётган муаммоларни муҳокама қилдилар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни илгари сурдилар. Айниқса, таълим муассасаларида меҳнат шартларини яхшилаш, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш ва доимий мониторингнинг йўлга қўйиш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Фотима АБДУРАЙМОВА
«ISHONCH»

МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

Нукус шаҳрида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда соҳанинг етакчи мутахассислари, масъул ташкилотлар вакиллари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инспекторлар иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққан – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Д.Самарбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги давлат меҳнат инспекцияси инспектори М.Сейдуллаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат техник инспектори Б. Утепбергенов ва бошқалар таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш самарали ташкил этиш, иш жойларида меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни муҳофаза қилиш таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу билан бирга, иш берувчилар масъулиятини кучайтириш, соҳадаги мутахассислар ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилишга фақат расмий талаб сифатида эмас, балки ҳар бир ходим учун хавфсиз меҳнат шартларини таъминлашнинг

Хавфли шартда фаолият юритаётган ишчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш долзарб вазифалардан биридир. Бу масалалар айти кезларда жойларда ўтказилаётган семинарларда ҳам бот-бот тилга олинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил 24 декабрда қабул қилган 819-қарор эса бу борада дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирлар доирасида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар замонавий ёндашувлар ва амалий кўникмалар билан танишмоқдалар. Жумладан, «Тошкенттумангаз», «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятлари, Тошкент ИЭС ва Ангрэн ИЭС каби йирик корхоналарда ўтказилган ўқувларда иш берувчилар, соҳа мутахассислари ва хо-

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – УСТУВОР ВАЗИФА

димлар қатнашдилар.

Семинарда Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси вакиллари, давлат техник инспекторлари ҳамда касаба уюшмалари мутасаддилари томонидан ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган талаблар ва амалиётда қўллаш тартиб-қоидалари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Тадбирнинг амалий қисмида мах-

сус асбоб-ускуналар, шахсий ҳимоя воситалари намойиш этилди. Илғор тажрибалар асосида ташкил этилган кўргазмалар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар нихоясида меҳнат муҳофазаси соҳасида фаоллик кўрсатган ходимлар касаба уюшмаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Муҳокама

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси ташаббуси билан тизимга қарашли «SIBERIAN WELLNESS» хорижий корхонаси ҳамда «NAMANGAN METAL» корхонасида меҳнат хавфсизлиги ва ходимлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган 36 соатлик ўқув ташкил этилди.

БИР МАРТАЛИК ЭМАС, ДОИМИЙ ЖАРАЁН

Унда иштирокчиларга меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари, меҳнат шартномаси тузиш тартиби, иш ва дам олиш вақти режими, аёллар ҳамда 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиш, имтиёз ва компенсациялар, шунингдек, соҳада давлат ва жамоат назорати масалалари юзасидан тушунчалар берилди.

Ўқув давомида электр токидан жараҳатланишнинг олдини олиш, ёнғин ва портлаш хавфини бартараф этиш, шунингдек, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– Ушбу ўқув орқали ишчи-ходимларнинг нафақат назарий, балки амалий билимларини ҳам мустақамлашни мақсад қилдик, – деди дастур раҳбари, маърузачи Шаҳбоз Юлдашев. – Асосий эътибор меҳнат хавфсизлиги, ходимлар ҳуқуқлари ва иш жойидаги интизомга қаратилди. Айниқса, шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш, ёнғин ва электр хавфсизлиги каби масалалар чуқур ўрганилди. Бундай амалий ўқувлар изчил давом эттирилади. Чунки хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш бир марталик эмас, балки доимий жараёндир.

Дониёр МАМАДАЛИЕВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

Жаҳонгир ФАЙЗИБОВЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Заковат

ДЎСТОНА МУНОСАБАТ РУҲИДА



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раислари иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Беллашувда иштирокчилар 15 та жамоага бўлинган ҳолда, ўз билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Қизгин ва мурасиз кечган баҳсларда жамоалар турли соҳаларга оид саволларга жавоб бериш орқали ўз салоҳиятларини намойиш

қилдилар. Жамоалар саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган ҳолда балл тўплаб бордилар. Натжида саволларга энг кўп тўғри жавоб

берган «Эврика» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ўйин якунига кўра, 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши томонидан муносиб тақдирланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

– Ўйинда 1-ўринни эгаллаганимиздан жуда хурсандимиз, – деди «Эврика» жамоаси сардори Сарваржон Мўминов. – Беллашув давомида билимларимизни яна бир бор чарқлаб, салоҳиятимизни намойиш этиш имконига эга бўлдик. Бу каби ўйинлар таълим тизими ходимларининг билим ва тафаккурини янада ривожлантиришда, шунингдек, жамоалар ўртасида дўстона муносабатларни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Фарзандим яқинда икки ёшга тўлади ва туғуруқ таътили тугайди. Шу боис ишга чиқмоқчиман. Аммо болани парваришlash учун кўпроқ унинг ёнида бўлишим керак. Бу борада қонунчилигимизда бирон-бир имтиёзлар борми?

Нафиса ҲАКИМОВА
Тошкент шаҳри

ЁШ БОЛАЛИ ХОДИМЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

ЖАВОБ: Меҳнат қонунчилигига кўра, ҳомилдорлик ва туғуруқ таътили туганидан сўнг аёлни хоҳишига кўра, боласи икки ёшга тўлгунча қадар таътил берилади ва ушбу давр учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда нафақа тўланади. Шунингдек, онанинг хоҳишига кўра, фарзанди уч ёшга тўлгунча қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилиши мумкин.

Борди-ю аёл боласи икки ёшга тўлганидан кейин ишга чиқса ва бюджетдан молиялаштирилган ташкилотларда ишласа, ҳафтагиса ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланади. Унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш давомийлигида ишлайдиган ходимлар учун белгиланган миқдорда амалга оширилади.

Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилот-корхонада ишлайдиган, уч ёшга тўлмаган боласи бор онага қисқартирилган иш вақтининг давомийлиги жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида ёки иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатларда белгиланиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ИШЧАНЛИК МУҲИТИНИНГ БОИСИ ШУКИ...

349 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган «Boyouvt cotton textile» МЧЖ корхонасида асосан ип-калава ишлаб чиқарилади. Юқори унумдорликка эришишда эса яратилган шароит муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу жамоада ишчи-ходимларга 2025 йил мобайнида иш берувчи томонидан жамоа шартномаси орқали қўлай шарт-шароитлар муҳайё этилиб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктиришга йўл қўйилмаган. Ҳозирга қадар иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик юзага келмаган. Йил давомида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган маблағ 200 миллион сўми, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ эса 4 миллион 700 сўмдан ортиқни ташкил этган.

Яқинда меҳнат жамоасида 2025-2028 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси Усмон Абдураҳмонов ҳамда иш берувчининг вакили Исроиқ Қодировнинг ҳисоботлари тингланди.

Корхона бўлимида бажариладиган ишлар ўзига хос хусусиятига кўра, смелани бўлиб, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш тартиби жорий қилинган. Ходимларни касбга тайёрлаш бўйича назарий ва амалий билимлар бериб борилаётгани. Бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси томонидан корхона ишчи-хизматчилари ўртасида ҳар йили маданий, маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилиб, ишти-

рокчилар ва ғолиблар муносиб тақдирланмоқда.

Ўтган йили 3 нафар ходимга санаторийларга имтиёзли йўланмалар берилди, 70 нафар ходимнинг тарихий қадимжоларга саёҳатлари амалга оширилди.

Ҳисобот юзасидан музокараларда қатнашган ишчи-ходимлардан Манзура Азизова, Шохжаҳон Хоримов, Манзура Маҳмадиева, Муҳайё Гафурова жамоа шартномаси асосида ўзларига кўрсатилган рағбатлиқ жамоада соғлом ва ишчан муҳит юзага келишига замин бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

Анжуманда охириги икки йилда янада бойитилган амалдаги жамоа шартномасига ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинган қарорлар талабларидан келиб

Жиззах шаҳрида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан семинар уюштирилди.

ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ



Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раҳ-

барлари иштирок этган тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонун ва метёрий ҳужжатлар ижросини самарали таъминлаш,

Тарғибот

муружаатлар билан ишлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди. Шу аснода бахтсиз ҳодисалар олдини олиш, ишчи-ходимлар саломатлигига зарар етказувчи омилларни бартараф этиш, кўнгилсиз воқеалар юз берганда текшириш, уюшма ихтиёридаги маблағлардан тўғри фойдаланиш, хизмат сафарлари харажатларини қоплаш юзасидан тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Семинар амалий машғулотлар билан давом этди. Уларда мураккаб вазиятларни ҳал қилиш, ташкилот ва корхоналарда меҳнат қонунчилиги ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Насиба ГАЙРОВА,
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Жиззах вилояти филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Хаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.
Хаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

Абу Али ибн Сино

Муносабат

Тарихнинг сирли саҳифалари

Бугун мамлакат тараққиёти ҳақида гап кетганда, асосий эътибор иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестициялар ёки йирик инфратузилма лойиҳаларига қаратилади. Аммо жамиятнинг ҳақиқий кучи кўпинча кўзга кўринмайдиган қатламларда, айниқса, мураккаб тақдирлар ортида ҳам шаклланади. Президентимиз яқинда имзолаган «Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор айнан шундай яширин салоҳиятни юзага чиқаришга хизмат қиладиган ҳужжатлардан биридир.

ЙЎҚОТИЛГАН ЭМАС, ҚАЙТА ТОПИЛГАН АВЛОД

биинки, бундай ёндашув жазони ўташ мазмунини тубдан ўзгартиради: «ичкарида» келажакни қайта куриш жараёни бошланади.

Рақамли касблар бугунги глобал иқтисодиётнинг энг тез ўсаётган сегменти ҳисобланади. Дастурлаш, АТ хизматлари, онлайн платформаларга хизмат кўрсатиш соҳаси географик чегараларни деярли йўққа чиқаради. Демак, панжара ортида олинган билим озодликка чиққач, дарҳол иқтисодий имкониятга айланиши мумкин. Қарорда акс этган ўқув курслари 8–12 ойлик интенсив шаклда ташкил этилиши, яқунда эса сертификат берилиши айнан шу тезкор интеграцияни кўзда тутаяди.

Агар масалага иқтисодий нуқтаи назардан ёндашилса, ушбу ташаббус яширин меҳнат ресурсларини фаллаштирашга қаратилгани билан ахамиятлидир. Одатда жазони ўтаётган шахсларга иқтисодий тизимдан узилган қатлам сифатида қаралади. Аслида эса улар тайёр, лисон фойдаланилмаётган инсон капитали ҳисобланади. Уларни касбга йўналтириш орқали нафақат индивидуал даромад манбаи яратилади,

балки давлат зиммасидаги ижтимоий юк ҳам камаяди.

Халқаро тажрибадан маълумки, касб-ҳунар дастурлари гап жалб этилган маҳкумлар орасида қайта жиноятчилик 30–40 фоизгача қисқаради, бандлик эса сезиларли даражада ошади. Хусусан, ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жазони ижро этиш тизимида реабилитация устувор жойда жамият барқарор бўлади. Масалан, Норвегияда қайта жиноят содир этиш даражаси жуда паст, Германияда маҳкумларнинг катта қисми жазони ўтаётган даврда касб эгаллайди, Жанубий Кореяда эса рақамли таълим орқали маҳкумлар иқтисодиётнинг реал секторига муваффақиятли қўшилмоқда. Ўзбекистон танлаган йўл айнан шу тенденциялар билан уйғун.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати, ундаги ижтимоий ёндашувнинг комплекслигидир. Гап фақат маҳкумларни ўқитишда эмас, балки ёшларнинг касб танлаши, қизиқиши ва истеъдодини аниқлаш, гуруҳларга бўлиб ўқитиш, кейинчалик ўш билан банд бўлишларига қўмақлашиш, ҳатто ижтимоий муаммоларини, жумладан,

уй-жойга муҳтожлик масаласини ўрганишгача бўлган тизим назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор моҳиятан битта долзарб саволга жавоб беради: жамият хатога йўл қўйган инсон билан қандай муомалада бўлади? Уни четга чиқарадими ёки реабилитация қилади? Шубҳасиз, танланган йўл битта, яъни реабилитациядир. Айнан шу нуқтада ислохотнинг энг муҳим аҳамияти намоён бўлади. Чунки инсонни маънан йўқотмаган жамиятгина барқарор ривожланади. Шу боис бу қарорни фақат ижтимоий лойиҳа сифатида баҳолаш камлик қилади. У бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий тизимдаги янгилашни, иқтисодий ресурсларни сафарбар этиш механизми ва ижтимоий адолатни мустаҳкамловчи восита сифатида ишлайди. Энг муҳими, панжара ортидан бошланган янги ҳаётни кафолатлайди.

Абдулҳамид АКБАРОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугуннинг гапи

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ахборот алмашинуви тезлашди, билим олиш имконияти, мулоқот доираси кенгайди. Бироқ виртуал макон жамият учун янги муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Айниқса, тез бойиш, казино ва кимор ўйинлари орқали бел оғритмасдан пул ишлашни тарғиб қилувчи контентлар кескин кўпайиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотади. Бу нафақат иқтисодий, балки маънавий, психологик ва ижтимоий хавф сифатида қаралиши лозим бўлган ҳолатдир.



ВИРТУАЛ ОЛАМДАГИ САРОБ

Яхши жойда ишлайдиган бир йигит ҳақида эшитганим. Уйдагиларга билдирмай, ёлгон рекламалар домига тушиб, онлайн киморда бор пулини ютқазиб қўйди. Бундан алмазда холга тушиб ва кредит олиб, яна ўйинни давом эттирди. Оқибатда бор-будидан айрилгани етмагандек, қарзга ҳам кириб қолди. Банк ходимлари уйига келгач, яқинлари хабар топиб, мол-ҳолни сотиб, қарзни ёпдилар.

дан-кам ҳолларда очикланади. Аслида молиявий бозорларда муваффақиятга эришиш учун чуқур билим, катта таъриба талаб этилади. Бу реклама қилинаётган «осон йўл»дан мулқлоқ фарқ қилади. Мазкур контентлар ёшлар онгига нотўғри қарашларни шакллантириб, меҳнат қилиш, билим олиш, касб эгаллаш каби анъанавий қадриятларни иккинчи даражага тушириб қўймоқда. Улар ўрнини тез бойиш истаги, сабрсизлик ва осон йўл билан муваффақиятга эришиш орусси эгалламоқда. Оқибатда реал ҳаётдаги қийинчиликларга бардош беролмайдиган авлод шаклланади.

Казино ва кимор ўйинларини тарғиб қилувчи контентлар бундан ҳам хавфлироқдир. Улар инсон психологиясининг энг заиф нуқталарига таъсир қилади. «Бугун ютқазсанг, эртага, албатта, ютасан», «Кичик сармоя билан катта фойда» каби манипулятив гоёлар орқали одамларни ўзига жалб қилади. Айниқса, ёшлар ва молиявий саводхонлиги етарли бўлмаган қатлам бу тузоққа тез тушади. Қимор ўйинлари нафақат моддий

йўқотишларга, балки руҳий инқирозга, оилавий муаммоларга ва ҳатто жиноятчиликка олиб келиши мумкин.

Ижтимоий тармоқлардаги бундай контентларнинг яна бир муҳим жиҳати – улар кўпинча сунъий муваффақият образини яратаяди. Кўрсатилётган бойлик, хашамат ва эркин ҳаёт тарзи аксарият ҳолларда реал эмас, балки вақтинчалиқдир. Баъзи ҳолларда бу шунчаки маркетинг стратегияси бўлиб, аудиторияни жалб қилиш учун саҳналаштирилган тасвирлардан иборат бўлади. Бироқ бунга аниқлаш учун танқидий фикрлаш кўникмаси зарур. Акс ҳолда, томошабин бу образларни ҳақиқат сифатида қабул қилади ва ўз ҳаёти билан солиштириб, тушқунликка тушади.

Бу жараённинг ижтимоий оқибатлари ҳам жиддийдир. Жамиятда бойликни фақат моддий кўрсаткичлар орқали баҳолаш тенденцияси кучаяди. Инсоннинг маънавий қадриятлари, билим даражаси, жамиятга қўшган хиссаси эътибордан четда қолади. Оқибатда жамиятда нотўғри устуворликлар шаклланади. Бу узоқ муддатда ижтимоий мувозанат бузилишига олиб келиши мумкин.

Яна бир муҳим масала контентларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишидир. Кўплаб мамлакатларда кимор ўйинлари ва молиявий хизматларни реклама қилиш қатъий назорат остида. Аммо ижтимоий тармоқлар глобал майдон бўлгани сабабли, бундай назоратни тўлиқ таъминлаш қийин. Шу боис бу борада нафақат давлат органлари, балки жамиятнинг ўзи ҳам фаол бўлиши лозим. Ахборот истеъмолчилари танқидий фикрлашни ўрганиши, ҳар қандай контентни текшириб қабул қилиши зарур.

Ота-оналар ва таълим тизимининг роли ҳам бу жараёнда ниҳоятда муҳим. Ёшларни молиявий саводхонликка ўргатиш, реал ҳаётга тайёрлаш, меҳнатнинг қадрият сифатидаги ўрнини тушунириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Блогерлар ва контент яратувчиларнинг ижтимоий масъулияти масаласини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ўз аудиториясига эга бўлган шахслар сўзининг таъсир кучини англаб етиши керак. Шу боис масъулиятли контент яратиш маданиятини шакллантириш зарур.

Мухтасар айтганда, ижтимоий тармоқларда осон даромад топишни тарғиб қилувчи хар қил контентлар кўпайиши замонавий жамият учун жиддий синовдир. Буни фақат тақиқлар эмас, балки онгли ёндашув, таълим ва тарбия орқали бошқариш мумкин. Энг муҳими, инсон онгига «осон пул» эмас, балки ҳалол меҳнат, билим ва сабр орқали эришилган муваффақият қадрият сифатида мустаҳкамланиши лозим. Акс ҳолда, виртуал дунёдаги сароб орзулар реал ҳаётдаги фожиага айланиши ҳеч гап эмас.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎРТ МАРТА АТОМ БОМБАСИ ПОРТЛАТИЛГАН(МИ?)

Ўтган йил охирида таниқли журналист, Ўзбекистон Биринчи Президентининг матбуот котиби Ирисмат Абдуҳолиқовнинг «Давр журналист нигоҳида. Махсус муҳбир хотиралари» китоби чоп этилган эди. Унда муаллифнинг ярим асрдан ортиқ ижодий фаолияти давомида кўрган-кечирган, бевоқиф иштирок этган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хотиралари жой олган. Бугун асарда баён этилган бир тарихий воқеа ҳақида ҳикоя қиламиз.

дан катта ҳажмдаги нефть оқими чиқиб, денгиз сувларига аралаша бошлайди ва у 87 кун давомида тўхтамайди. Ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 4.9 миллион баррель ёки 780 миллион литр нефть океанга тушган. Бу инсоният тарихидаги энг йирик экологик фалокатлардан бири ҳисобланади.

Муаллиф Навоийдан, Зарафшон, Мурун-Тов, Ангрэн, Олтинсой, Маржонбулоқдан эшелон-эшелон бойитилган олтин рудалари Россияга жўнатилганининг гувоҳи бўлганини кўп бор таъкидлайди.

тахассислар экспертизасидан ўтказилмаган, кенг халқ оммасининг рози-ризоллиги олинмаган лойиҳаларнинг муҳим асорати қандай бўлиши кўпчиликка маълум-ку!».

«Тасвирга олмоқчи бўлган ҳаракатларим зое кетганди. Бу эшелонларни жўнатмасликнинг ҳам илоҳи йўқ эди. Ёки ўз еримиздан қазиб олинаётган олтинга озгина бўлса ҳам эга бўлиш ҳақида бир лағзим гап айтиб кўринг, шу йиллари нима бўлар экансиз?» деб хотирлайди устоз Ирисмат ака.

Бухоро вилоятида ер остида портлатилган атом бомбаси ҳақида Россия Мудофиа вазирлиги 12-Бош бошқармаси собиқ зобити Максим Шингаркин «Огонёк» журнаlining 2010 йилги 23-сонига босилган суҳбатига батафсил тўхталиб. Бу технология, шу йилнинг 1966 йил сентябрь ойда Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти атрофидаги Уртабулоқ, Помук (1968 й.) газ конларига 2400 метр чуқурликда, 1972 йили Туркменистонда, 1980 йил бошида Астрахан шаҳри яқинидаги Камизяк посёлкаси ёнида бир эмас, 39 та ядро бомбаси портлатилгани тўғрисида маълумот беради.

Ўзбекистоннинг ерости фойдали қазилмалари захиралари, жумладан, олтинни ҳам хали кўп авлодларга етарди, деб ёзади муаллиф. Бухоро – Урал қўш магистрал газ қувури орқали Россия саноат корхоналари ва тураржойларига ҳам ҳажми, ҳам сифати бўйича ноёб захирага эга Газлининг «зангори олов»и жўнатилиб, деярли туғатилгани ҳақида куйиниб гапиряди.

«1966 йилнинг сентябрь ойи. Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида катта чуқурликда қавланган қувурдан қучли табиий газ фаввораси отилиб чиқмоқда. У беҳосдан ёниб кетиб, еру оловга катта босимда олов пурқай бошлади. Осмон багирари ёнаётган оловнинг атрофига яқинлашиб бўлмади. Шу пайтда саноатли ривожлантиришда голиблик чўққисига чиққан «қизил»лар масалани ҳал қилишнинг одатдан ташқари бир йўлини қўлайдилар. Улар Қизилқум барханларида газ отилиб турган қувур ёнидан 4 миль чуқурликда параллель қувур пармалаб, унга 30 тонналик, қудрати бўйича Хиросима шаҳрига ташланган атом бомбасидан бир ярим борбар катта келадиган атом бомбасини туширадilar.

Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймаган, мустамак ҳудудларини исқанжада маҳкам ушлаб турган Шўро салтанати Бухоро газ конларига ҳеч иккиланмай атом бомбаларини портлатиб бўлса ҳам, асов газ фавворасини ўз измига бўйсундиради ва қазиб олишда давом этади.

Улар бу бомбани газ фаввораси отилиб турган қудуқнинг шундай ёнига қўйиб турган қудуқ ёпилади ва замин қаъридан чиқиб турган газ фаввораси тўхтади».

1966-1979 йиллар давомида тўрт бор мана шундай портлаш содир этилади. Ер қаъридан отилиб чиқётган углеводород фаввораларини тўхтайтиш учун килотонна келадиган атом бомбалари портлатилди. «Эҳ-хе, бундай содир бўлган яна қанчадан-қанча муҳим воқеалардан биз беҳабармиз. Ахир, жамоатчиликдан яширилган, му-

Табият ҳам, жамият ҳам бўшлиқни ёмон кўради. Жамиятдаги бўшлиқни ёт гоё, бегона урф-одат, сохта маданият эгалласа, табиатдаги бўшлиқ қандай офатлар келтиришини Газлида рўй берган воқеалар тимсолида яққол кўриш мумкин. Газлида замин қаъридан катта босимдаги газ захираси йиллар мобайнида сўриб олинди, «Бухоро – Урал» китъалараро газ қувури орқали Россияга, Уралдаги йирик саноат корхоналарига жўнатиб турилган. Ер остида бўш қолган жойларнинг ўрни технология бўйича сув, кум ёки бошқа бирор модда билан тўлдирилмаган, муаллақ қолган қатламлар ўпирилиб туша бошлайди.

Газли шаҳридаги ер силкинишлари Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихидаги энг кучли зилзилалар ҳисобланади. Энг каттаси ва таллофати кўпи 1976 йилда қўзғатилган. Қисқа вақт оралиғида иккита жуда кучли силкиниш юз берган. 8 апрелда Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7.0 га тенг бўлган биринчи зарбадан кейин 17 май куни магнитудаси 7.3 бўлган иккинчи янада кучлироқ зилзила содир бўлган. Оқибатда Газли шаҳарчасидан асар ҳам қолмади. Бу муҳим воқеа сейсмологларни шошириб қўяди. Чунки улар мазкур ҳудудни паст сейсмик фаолликка эга, деб ҳисоблашарди.

1984 йил баҳорида яна бир кучли зилзила юз бердики, унинг магнитудаси 7.2 ни ташкил этади. Бу табиий офат ҳам катта вайронгарчиликларни келтириб чиқаради. Олимлар Газлидаги зилзилаларга ҳудуддаги конлардан жуда кўп миқдорда газ олиниши, яъни ер ости босимининг ўзгариши сабаб бўлганини тахмин қилишади.

Аброр ХОН тайёрлади

«КўП ВАҚТИМ ИНСТАГРАМГА КЕТИБ ҚОЛЯПТИ» – Ishonch.uz сўровномаси

Ishonch.uzga ўтинг ва батафсил танишинг:

Хар бир инсон бошдан комил эмас, аммо туғма равишда ўзига хос бўлган ички шуур ила босқичма-босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади.

Абу Наср Форобий

Хотира

Кўрик-танлов

Йигирма иккинчи ва БИРИНЧИ

Ғаройиб тақдир эгаси эди у. Оилада йигирма иккинчи фарзанд. Ўзидан кейин ҳам яна икки укаси бўлган, аммо улар гўдаклигида ўлган. Акалари бойларга малайликка ёлланишган, опалари эса наридан бери қилиб узатилган.

Бу одамни мен етмишинчи йилларда танидим, билдим. Ушанда туришганларидан биргина опаси ҳаёт эди.

Ўзи 1941 йилда, ўттиз ёшида урушга кетган. Оёғидан оғир яраланиб, икки қўлтиқгаёқ билан фронтдан қайтган. Тиббий хизматнинг етишмаслиги туфайли икки бор терлама касалига чалинган. Девдай одамнинг ҳаётига нуқта қўйиш учун бу даргда бир бора чалинишнинг ўзи етарли бўлади, аммо бу одам, жони темирдан эканми, икки терламани енгиб, яна оёққа турган.

Ўзбек таржимачилиги соҳасида биринчи ўзбек фани номзоди, биринчи фан доктори, биринчи профессор бўлган. Ўзбек адабиётида биринчи тетралогия – тўрт китобдан иборат роман – «Хоразм»ни ҳам шу одам ёзган.

Тақдирнинг яна бир ғаройиботини қарангки, ота-онанинг йигирма иккинчи фарзанди бўлган бу киши, етмиш ёшида ўзидан қирқ яшар кичик қиз билан турмуш қурган. Бу янги рўзгоридан икки ўғил қўриб, уларни уйлантириб, уйли-жойли қилиб, яна неваралар ҳам қўрган.

Тўқсон етти йил яшаб, умрининг охиригига кунига қадар касал бўлмаган, чой қўйиб узатилган пилёвлари олиш учун ўрнидан турган пайти (тўқсон етти ёшда!) бир қалқиб, ўша лаҳзада жон берган.

Ана шунақа ғаройиб тақдирли одамлар ҳам бўлар экан...

Бу кишини Жуманиёз Шарипов дер эдилар.

Мен Жуманиёз Шарипов исмини учинчи синфдалиқ пайтимида ўқиганман. Махтумқулининг шеърларини шу ижодкор ўзбек тилига ўтирган, номи китоб сарваригада бор эди. Кейин эса унинг «Хоразм» деган романини ўқидим.

Биласизми, орадан ўн беш йил ўтиб, шу одамнинг қўлида ишлашимга тушимга ҳам кирмаган. Аммо шундай бўлди. ТошДўни битириб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга кирдим, профессор Жуманиёз Шарипов бу ерда Таржима сектори мудири экан.

Ташкилотта келган янги ходим билан бошлик орасидаги муносабат қўпинча тушунуқсиз бўлади. Очигини айтганда, домла мени жузда ёмон қабул қилди, чунки бу даргоҳга устоз Ғайбулла Саломов тавсияси билан ишга қабул қилинган эдим. Ўша йиллари бу икки таржимани ном олим чиқшига олмай қолган экан. Аммо мен, кечаги талаба, буни қаёқдан билар?

Хайтовур, бора-бора тил топишди. Жуманиёз Шарифийнинг феълда муроасага мойиллик бор эди. Бирок икки-учта раҳбар ўртасида андишавозлик қилиб, оддийгина номзодлик ишимни 15 йил деганда тугатганини айтмай-сизми! Янада қизинг, диссертацияни ёқлашга тавсия этилган йиғилишда уч йирик олим: Ғайбулла Саломов, кўп йиллар Таржима назарияси бўлимига мудири бўлиб ишлаган Жуманиёз Шарипов ва шу бўлимининг янги мудири Эрик Каримов менга илмий раҳбар бўлишга даъво қилди. Ҳолбуки, бу вақт ичида эски гина-қудуратлар унутилган, уювлари жузда апок-чапоқ дўст ва қадрдон эди. Шунга қарамай, уч дўстнинг ҳар бири иш раҳбари бўлгани келибди-да. Нойнож, ўзим ўртага тушиб «қози-қил қилдим: Ғайбулла Саломов илмий раҳбар, Жуманиёз Шарипов илмий маслаҳатчи бўлсин, Эрик Абдуллаев эса, монография чоп этилганида маъсул муҳаррирлик қилсин, дедим. Ҳаммаси кула-кула маъқуллади, бошқа чора ҳам йўқ эди-да.

Жуманиёз Шарипов, ёши отамдан икки мучал улуг одам билан йигирма йилга яқин битта бўлим, битта хонада ёна-ён ишладик. Таржима назарияси секторидан олти киши эдик: фан номзоди Абдулхамид Жалолов – катта илмий ходим, фан номзоди Муҳаббат Исроилова – илмий ходим, фан номзоди Мунира Абдуллаева – кичик илмий ходим. Қолганлар – Абдулла Матқўбов, шоир Мамаரசул Бобоевнинг ўғли Элдор Бобоев ва мен лаборант. Аммо ҳамма ўзаро тенг, фикр айтиш – эркин, ҳар бир одам ўзига юкланган вазифани бажариши шарт эди. Биз, кечаги дорилфунун талабалари учун бу даргоҳда домларга бир чойнак чой дамлаб бериб, баракалла эшитиш ҳам катта мартаба эди.

Ўша чоғлардан эсда қолган баъзи ҳангома-ларини айтсам...

Жуманиёз аканинг фақат ўзига хос феъл-атвори, ғалати тақдирни мени ҳамон ажаблантирди. Зеро, ҳаётда бу қадар ғаройиб ва мураккаб феълли, ғаройиб ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган кишилар низоҳатда кам учрайди...

Домла 1911 йили Хивада, тор бир ҳовлида – ҳаммом гўлахи Шариф оға хонадониди, боя

айтганимдек, йўқсил ота-онанинг йигирма иккинчи фарзанди бўлиб дунёга келади.

– Хивадаги шапалоқдек тор ҳовлида жузда қийналиб кун кечирардик, – деб эсларди домла. – Бироқ энди ўйласам, раҳматли онам низоҳатда қувноқ, ҳаётсевар аёл бўлган экан. Ҳозирга қадар онамдай яйраб, юрак-юрагидан қуладиган одамни бошқа кўрмадим...

Домланинг отаси Шариф бобо гўлахи эди. Хон саройидаги ҳаммомга ўт ёқиб, қиздириш билан шуғулланган. Бир гўлаҳининг топгани нимаям бўларди? Домланинг ўзи бу ҳақда оғиз очмас, аммо институтимизда ишлайдиган Клара опа – Жуманиёз Шариповнинг жияни (опасининг қизи) гўлахи бобоси ҳақида гапириб, унинг низоҳатда кўркам одам бўлганини айтганди. Шунчаликки, саройдаги кўп жориялар учун у кишининг бир қулиб боқини ўзи зўр мартаба бўлар экан... Бу гап бежиз бўлмаса керак, чунки рассом Владимир Кайдалов Алишер Навоийнинг машҳур портретини тайёрлашда уч киши: Алихонтўра Соғуний, Жуманиёз Шарипов ва Раззоқ Ҳамроевдан андоза олган, деб айтишар эди. Домла ўрта бўйли, пишиқ гавдали одам эди. Жузда унақа «кўзга яқин йигит» деб бўлмаса-да, истарали, ҳамшира қулиб юрар, хангома қилишга ишқивоз эди. Ута камтар, яқинига йўлаб бўлмайдиган баъзи тенгдошларидан фарқли ўлароқ, тушликка биз билан бирга чиқарди.

Домланинг манглайида ғалати бир чандиқ изи бор эди. Унинг тарихи...

1941 йил баҳориди Жуманиёз Шарипов ЎзКП Марказқўмида бўлим мудири бўлиб ишлар, жамоатчилик асосида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига ҳам раҳбар эди. Уруш бошлангач, кўнгилли сифатида ариза бериб, жангга жўнайдди. 1943 йилнинг бошида Жуманиёз ака жанг қилаётган қисм командирга ўқ тегиб ҳалок бўлади. Ҳар лаҳза ганимат. Қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Жуманиёз Шарипов (у киши партиявий кадр сифатида фронтга кетган) тўппончасини осмонга кўтариб: «Олга!» деб қичқирганича, жангчиларни эргаштириб, олдинга интилдди. Кўп талафот берилса-да, хайтовур қуршов ёриб чиқилди. Сўнг у пешонаси жазиллаб ачишаётганини пайқаб, каскасини ечади ва донг қотиб қолади – касканинг нақ манглай қисмида тангадай жой тешилган. Душман мергани отган ўқ каскани тешибгина қолмай, пешонасиданги фуражка учига қадалган юлдузни ҳам мажаклаб ўтган, ўқ пешона суягига қадалибгина тўхтаб қолган экан!

Санчасидаги шифокорлар ҳам бундай мўъжиза олдиди хайратдан донг қотган ҳолда, пешона суягига санчилиб турган ўқни оҳиста тортиб олиб, ярани дориллаб, биттага қўйишди (бош суяги битмас экан, домла пешонасиданги санчалок ўрничка жойда суяк йўқ, устида тери билан яшаб ўтди). Аммо ўша йилнинг қузида оёғига теккан снаряд парчаси ўз иштини қилди – Жуманиёз Шарипов қўлтиқтаёқ осилиб, уйда қайтади.

Ана шу оғир қунарларда жонига Ойбек ора кирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган улуг адиб уни ўзига муовинликка таклиф этди. Бу бежиз эмасди. Ундан ўн йилча аввал Ойбекнинг бошида қора булут айланиб, ишсиз қолган чоғида у кишига бирон қимса мадад беришга журъат этмаган. Республикада ягона нашриёт бўлган «Ўздавнашр» директори Жуманиёз Шарипов Ойбекни ишга олди. Аммо адибнинг ҳар кунги ишга келиши ғаламисидан тилини узун қилар эди, шунинг учун унга икки жилдик юнон ва рим адабиёти намуналарини уйда ўтириб таржима қилишни топширди. Бунинг қалам ҳақи Ойбек оиласи кун қўриши учун жузда асқатган эди. Ўша китоб лотин ёзувида босилиб чиққан.

Ойбек ана ўша ҳамятини унутмай, уни ёнига олди. Домланинг бундай яхшиликлари кўп бўлган, шекилли. Мажлисларда булбули-гўёлик қилмас ва ҳар турли анжуманлар президиумларига ўзини урмас эди, аммо кунда-кунора «Домла, сиз билан гаплашгим



келди», деб хонамизга кириб келувчилар кўп бўларди.

Шарифий домланинг ажабтовур ишлари кўп эди. Баъзилари ўша пайтда кўпларга эриш туйилар, бироқ кейинчалик у киши ҳақ бўлиб чиқарди.

...1981 йилнинг бошлари. Бир кунги сектор мудири Жуманиёз ака институт илмий кенгаши йиғилишидан жузда асабийлашиб чиқиб келди: биз тайёрлаган ва секторда муҳокама қилиб маъқуллаган иш режаси тасдиқланмабди. Унда XX аср ўзбек таржимачилиги ҳақида умумий очерк ва ўша даврнинг энг йирик мутаржимларининг ижодий портретлари берилиши, жулмадан, Чўлпон таржималарини тадқиқ этиш ҳам қўзда тутилган эди. «Йўқ, – дейишди «катта»лар. – Унутман, Чўлпон шахс сифатида оқланган, аммо ижоди оқланган эмас...» Бу «шаккоклик» учун домла дакки эшитибди.

Чўлпонсиз ўзбек таржимачилигини қандай тасаввур қилиб бўлади? – деди домла бўғилиб. – Бошқа ижодкорлар унга эргашиб таржима оламига кирган-қў! Майли, бўлар иш бўлди. Аммо ҳали кўрасизлар, Чўлпон, барибир, юзага чиқади...

Ўттизинчи йиллар ўпқонига тушиб кетганларни кўп қўрган Жуманиёз Шарипов бундай фикрларини беғоналар олдида асло гапирмас, шунинг учун ҳаммага серхалик ва замонасоз одам бўлиб кўринарди. Аммо... ҳар киши ўз диладагини ўзи биларди-да.

...Етмиш саккизинчи йил. Ёз чилласи, иссиқнинг зўридан пешин махали киши лоҳас тортади. Институтнинг Болалар адабиёти секториди бир диссертация муҳокама қилинадиган бўлди: мавзуга дахлдорлиги сабабли бирданга «Адабий алоқалар», «Болалар адабиёти» ва «Таржима назарияси» ходимларини мажлисга чақирди. Муҳокама-ку, бирон соатнинг нари-берисиди тугади, аммо икки сектор мудирилар, ўша пайтда сўзининг дамига ош пишадиган икки аллома – Ҳафиз Абдусаматов билан Юсуф Султонов ҳаммага суҳбатни эшитишни буюриб, «фикр олишув»га киришдилар. Уларнинг хурмати учун бошқа-лар ҳам тинглаб ўтиришга мажбур эди. Аллома замоналар бир адиб асариди «сиёсий тўғри ва долзарб» бир масала – ўзбек қизининг бир ўрис йигит билан севгиси ва ўша романининг ўзида бир ўзбек йигитининг рус қизи мухаббати тасвири нақадар «олижаноб, узоқни кўзлаб ва келажакни кўриб битилган»лигини бир-бирдан ошириб мақтаб, ёзувчини алқашга тушишди. Баҳс йўқ, муаммо ва унинг исботи ҳам йўқ, шу «сиёсий зийрак кашфиёт» талқини бирон соат чўзилиб, йиғилганлар бу гап қачон тугаркин, деб тинкаси қуриб кутар эди. Менимча, бу икки мул-

лоий забардаст аввал қоринни тўқлаб, кейин мажлисини бошлашган кўринади.

Нихоят, «эшитув» тугагач, жой-жойимизга тарқалдик. Ошхона аллақачон ёпилган. Яқин орада бўлак тамаддихона йўқ. Қорин оч, дармон кетган, лоҳас ҳолдамиз.

– Ўф, чой қўйинг энди, болам, – деди хонага қайтган Жуманиёз Шарипов столга қафти билан тарс этказиб уриб. Кейин «портлади»:

– Э ўша, шулар ҳам олимми? Топган гапини қаранг, ёзувчининг зўрлиги шунда эмишки, аралаш никоҳга олиб келадиган севгини тасвирлабди. Халқлар дўстлигининг энг зўр тасвири шу эмиш. Адиб классик эмиш. Ўзинг кимсану, мақтаган ёзувчининг ким? Энди, ким нима деса десин, менинг учун битта олим бор эди – Фитрат, битта ёзувчи бор эди – Абдулла Қодирий, битта шоир бор эди – Чўлпон, бошқаси бекор...

Мен бўш чойнакни кўтарган қўйи домлага анграйиб қараб қолдим. Нимага десангиз, у киши бу мавзуларда бунақа гапларни асло гапирмас, агар гапиришга тўғри келиб қолса, замонасозликни қўлдан бермасди. Ҳа, домла бу гал «орбтасидан чиқиб» кетган, аниқроғи, у кишини чиқаришган эдилар.

...Жуманиёз Шарипов билан у кишининг тенгдоши Иззат Султон (институтнинг «Адабиёт назарияси» бўлими мудири) орасидаги кадрдонлик қарийб сезилмас эди. Чунки Иззат Султон биров билан сирлашмас, дардлашмас эди. Менимча, бунинг боиси ўша ўттизинчи йилларнинг машғум воқелиги, гарчи орадан талай йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳамон одамлар дилига гўлгула солиб турганидан бўлса керак. Ким биландир яқин дўст тугтинган одам унга дилидагини айтди, бу эса нақд катагон дегани. Шунинг учун ҳам бу авлод вакиллари чекига бутун дардини, изтиробларини ичга ютишга маҳқумлик ёзилган эди.

Шу боис Иззат Султон ҳатто интернетда бирга ўқиган кадрлони Жуманиёз Шарипов билан ҳам қаймоқлашишдан эҳтиётланар, ҳатто хайрхоҳлигини ҳам яширар эди. Аммо бир кунги Иззат Султонга «Институтда ёши улуг икки киши қолдинлар: сиз билан Жуманиёз Шарипов, сизларга ҳавас қиламиз», дедим.

– Жуманиёзни аввайлаш керак, эъозлаш керак, – деди Иззат ака. – У урушга борган, қаҳратон қишда, кишининг то белигача келадиган сув тўла оқопларда ётган. Эҳтиётини қилишимиз керак...

Мен Жуманиёз домла билан йигирма йил бир хонада ўтириб ишладим, дедим-ку, ёза берсам, бир китоб бўлади. Аммо ҳозирча шу билан чекланас.

Устоз ҳақида расмий маълумотларни келтириш шарт эмасди; у кишининг ўзбеклар ичинда таржима соҳасида чиққан биринчи фан доктори ва биринчи профессори, биринчи ўзбек тетралогияси муаллифи эканини яна бир бор таъкидлаб қўйсак, кифоя. Яна, «Ўзбек тилининг изохли лугати» бор-қу, унда энг кўп тисоилар Жуманиёз Шарипов асарларидан келтирилган... Шунинг ўзидеки домланинг ижод қўлами қай даражада эканини билдиради.

Домланинг докторлик ишида Х-ХХ асрлар ўзбек таржимачилиги тарихи ўрганилиб, унинг ўн асрлик намуналари тадқиқ этилган, шунча даврлик тарихи борлиги далилланган. Ғайбулла Саломов, «Жуманиёз ака диссертацияси учун икки қоп материал тўплаган», дер эди ҳам қулиб, ҳам ҳайрат билан. Шунча таржималарни ўқиб, қиёслаб, таҳлил қилиш, тизимга солиш, тамойилларни аниқлаш ва асослаш... айтмоққа осон! Ана шу заҳматларни мушоҳада қилганда, Ясавий бобонинг «Чин олим ёстугун тошдин яратти», деган ҳикмати ёдга тушади.

Мен Жуманиёз Шарифийнинг барча илмий ишлари, ёган романлари, қисса ва ҳикоялари, шеърли асарлари, таржималари, бош бўлиб чоп эттирган китоблари рўйхатини келтирмадим, унвон ва лавозимларини ҳам кўрсатмадим, фарзандларини, шоғирдларини санамадим. Ҳаммаси мўл, ҳаммаси бадастир эди.

Аммо буларнинг бари ўтди. Вафотига ҳам йигирма йиллар бўлиб қолди. Илоҳо, домланинг охираги обод бўлсин!

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.
адабиётшунос

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабамаси Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий қисми ҳамкорлигида «Намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди.

НАМУНАЛИ ТУРМУШ ЭЪТИРОФИ

ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий қисмида бўлиб ўтган ушбу маънавий-маърифий тадбир давомида иштирокчилар нафақат Ватанни ҳимоя қилишда, балки оилани мустаҳкамлашда ҳам намуна бўлишга қодир эканликларини яна бир бор исботладилар. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг оиладаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатга асосланган муносабатлари, миллий анъаналарга ҳурмати ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги фаилатлари танловда яққол кўзга ташланди. Кўрик-танлов якунида голиблар ҳамда фаол иштирокчилар ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Расулжон РАҲИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабамаси Фарғона вилояти кенгаши раиси



«Elektron Realtor» МЧЖ

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича савдога таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'z sanoat qurilish bank» АТБ балансида бўлган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: – Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Халқобод» МФЙ, Мовийқаллик кўчаси, 16/1-уйда жойлашган Савдо комплекси ва Бухоро вилояти, Когон тумани, «Беклар» МФЙ, Зиё Қўблов даҳаси, 298-уйдаги Замонавий иссиқхона (49-лот).

Сотиш шарти ва нархи билан www.e-rieltor.uz сайти орқали, савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб таниша бўлади.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин. Call center +99855-517-22-20.

Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz.

Хизматлар лицензияланган

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Кенгашининг 2025 йил 20 октябрдаги 3-5 «с»-сонли қарори билан Ташкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Овжасой» МФЙ, Мовий тоғлар кўчаси, 299-уй манзилида жойлашган муассаса шаклидаги «ОРЗУ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти тугатилётгани маълум қилинади.

Ўзбекистон касабамаси Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда ҳудуддаги барча тармоқ касабамаси уюшмалари кенгашлари жамоалари Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Каримов Усмон Кўчқоровичга опаси

Хосият КАРИМОВА
вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Муҳаммаджон Каримов
ижросида
«Гиря»
Машраб мухаммаси

*На гурбатларни чекдим, чархи бибунёд дастингдан,
Тамоми ҳонумоним ўлди чун барбод дастингдан,
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдан,
Ҳама обод ўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайга борсам дод этарман дод дастингдан.*



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 688-00-27
Namang'ani viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhib:
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti:
18:00
Topshtirildi – 20:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 471 nusxasi
«Eridi» MCHJ boshmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-411**
1 2 3 4 5 6